



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 250 (10.555) / 2005 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ



**XVI сароси**  
Барча манбалардан  
олинган сўйиш хабарлар

**Мамлакатимизда**

- Тошкентда анъанавий «Йил танлови» бўлиб ўтди. Бешинчи бор ташкил этилган мазкур танловда 14 та номинация бўйича голиблар аниқланди.
- Яқунланаётган 2005 йил Ўзбекистон автосаноати учун жуда самарали йил бўлди. Хусусан, ҳозиргача «ЎздЭУ-авто» АЖ ташки бозорга 52 мингдан ортик, ички бозорга эса 45 мингдан ортик автомобиль етказиб берди. Бу йил Асака заводи конвейеридан 500 мингинчи автомобиль туширилди.
- Фарғона политехника институтида «Ёшлар тарбияси — жамиятимизнинг долзарб муаммоси» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.
- Жиззах Давлат педагогика институтида «Сихат-саломатлик йили»га бағишлаб «Талабалар соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти» мавзусида илмий-назарий анжуман ташкил этилди.
- Қарши шаҳридаги маҳаллаларда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ечимини топишнинг янги усули йўлга қўйилди. Хусусан, барча маҳаллалар 9 та худудга бўлиниб, уларнинг ишини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлари тузилди.

**Жаҳонда**

- Осиё ва Европанинг бир қатор давлатларида ўтган йили Хинд океани қўриғида содир бўлган дахшатли тўфон қурбонлари хотираси ёдга олинди.
- Эрон Ташқи ишлар вазирлиги вакили Ҳамид Ризо Асофий Эрон атом энергетикаси учун уран моддасини тўйинтиришни Россия худудидида ташкиллаштириш таклифига унинг мамлаката розилик бермаслигини эълон қилди.
- Япония шимолида жойлашган Нигата музофотидаги Ахита шаҳридан жўнган поезднинг издан чиқиб кетиши оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган, бир неча киши қаттиқ тан жароҳати олган.
- Янги йил арафасида «Собеседник» хафтаномаси Россиянинг юзга яқин машхур шахслари ичидан «Йил кишиси»ни танлаб олиш мақсадида сўровнома ўтказди. Натижаларга қўра, «Йил кишиси» деб «ЮКОС»нинг собик раҳбари Михаил Ходорковский топилган.

## ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Президент Ислон Каримов пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди**

Ҳар бир халқнинг муқаддас қадимжолари бўлади. Инсон бундай жойларда ўз орзу-умидларини кўради. Шу маънода, Мустақиллик майдони барча юртдошларимиз учун азиз ва мўътабар маскан ҳисобланади.

Истиқлолимизнинг 14 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг бош майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилди. Ушунда аркани кўздан кечирган Президент Ислон Каримов бундай деган эди:

— Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса, қалбларидаги орзу-истаклари қаҳида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа. Назаримда бу сиймо бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли — бахтли аёл тимсоли бўлиши керак. Негаки, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади.

Президентимизнинг бу олижаноб таклифи амалий ифодасини топди. Ватанимизнинг бош майдонида бахтиёр она монументи қад ростлади.

Янги йил байрами арафасида - 28 декабрь куни Президентимиз Ислон Каримов ушбу монумент пойига гулчамбар қўйди.

— Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақил-

лик монументи деб ном берганмиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугун унинг ёнига бахтиёр она сиймосини ифода-лайдиган янги ҳайкал қўйилди.

Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмун билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чунки мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга мазлумки, она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойиллик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг ёрқин тимсоли айланган.

Мана шу икки буюк қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари, бу мажмуанинг сиёсий ва инсоний маъноси яққол мужассам, десак, хато бўлмайди. Тасаввур қилинг, олижаноб ниятлар билан янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз

қорачигидек асраб-авайлаб, келажақ авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютугимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга, деди Президентимиз.

Мен мана шундай табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, авваламбор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан.

Ислон Каримов ушбу монументнинг Янги йил байрами арафасида очилаётганида ҳам ўзига хос маъно борлигини таъкидлади.

— Мустақиллик ва эзгулик монументи - яхши ниятларимиз, беғубор орзуларимизнинг ифодаси. Яқинлашиб келаётган 2006 йил юртимизга кут-бароқа олиб келишига, бахтли-саодатли ва фазли йил бўлишига ишонаман, — деди Юртбошимиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг фазл ва баракотга алоҳида ургу бериши бежиз эмас. Пок ниятларимизга, эзгу интилишларимизга шу куни эрта тонгда ёға бошлаган қор ҳам ўзига хос тасдиқ бўлди. Бу дала-дашларимизга ёғилажақ кут-баракатдан нишондир.

Давоми 2-бетда.

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир КУНИ**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**

• **ТОШКЕНТ** Давлат темир йўл муҳандислари институти қошида Янги

йил арафасида «Шукрона» фольклор-этнография дастаси ташкил этилди. Ушбу дастаннинг биринчи концерт дастури «Шарқ бозори» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** бирлашган ҳарбий мактабида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташки-

лотининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Уч авлод учрашуви» мавзусида тадбир ўтказилди.

• **РЕСПУБЛИКА** Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар Кенгашида Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбир нуроний-

ларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтириш масалаларига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати**  
ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

# ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Президент Ислам Каримов «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида таълим тизимидаги ислохотлар узвийлигини, таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянишни таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани таъхисига сазовордир.

Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланиши, яратилаётган янги ўқув стандартлари, дастур ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан қўрсатилаётган ғамўрликнинг амалий ифодасидир.

Талабалар шаҳарчасининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда илгори борилган кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари низоҳасига етказилди. Илгари «ётоқхона» деб аталган ғариб бинолар бугунги кун нуктаи назаридан, талаба ёшларининг талаба ва ахтиёрларидан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт ичида тубдан капитал таъмирланди, атрофида янги йўл ва йўлаклар барпо этилди. Дарахларга шакл берилиб, янги кўчатлар экилди, майдонлар кўкаламзорлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтказишлари учун яратилган қулайлик ва шароитни кўздан кечирди.

—Фарзандларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш масаласи доимо диққат марказимизда бўлмоғи лозим, — деди Ўртбошимиз. — Бундай замонавий шарт-шароитга эга бинолар «Талабалар уйи» эмас, «Талабалар турар-жойи» деб аталиши мақсадга мувофиқ. Аммо турар-жой дегани казарма эмас. Казарма армияда бўлади.

Шу ўринда Президентимиз «казарма» тушунчасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳатто армияда ҳам казармадан воз кечиш лозимлигини таъкидлади. Ёшларнинг зора - хох асар бўлсин, хох талаба — бир хил, тенг қарашимиз, зарур шароит яратишимиз лозим.

Ислам Каримов Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида тахсил олаётган талабаларнинг турар-жойларида бўлиб, уларни қайта жиҳозлаш борасида тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар берди. Жумладан, талабалар турар-жойларидаги хоналарнинг

доимий равишда ораста ва файзли бўлишига эришмоқ даркор.

Замонавий мебель, жиҳозлар, техника воситалари, маиший ускуналар билан таъминланган компьютер, спорт, ювенил хоналари, кутубхона ва ошхоналардан оқилона фойдаланиш ёшларимизнинг маданий савиясини оширибгина қолмай, билим ва тафаккурига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Зеро, ёшларимиз бошқалардан кам бўлмаган муносиб шароитда яшава, таълим-тарбия олишга ҳақли.

Президентимиз шаҳарчадаги Талабалар маънавият ва маърифат марказида бир гуруҳ талаба ёшлар билан учрашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари ва келажакдаги режалари билан қизиқди.

Етарли даражадаги билим ва салоҳиятга эга инсонда гуруҳ ва ифтихор ҳам юксак бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Ёшларимиз ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини тўғри англай оладиган, сабаб ва оқибатнинг негизига етиб борадиган, бундай тушунчаларнинг маъно ва мазмунини чақадиган авлод бўлиб етишишларига ишонманам. Шаҳарчада амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Бинобарин, қулай, замонавий шароит ёшларимизнинг муσταқил фикрининг шаклланишида, тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқшининг кучайишида, қалбида она-Ватанга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни муσταҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Ўртбошимиз Талабалар маънавият ва маърифат марказида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан тузилган клублар фаолияти билан танишди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берди.

Тошкент Марказий темир йўл вокзали биноси ва унинг атрофида ҳам сўнгги ойлarda тубдан реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари Муσταқиллик байрами арафасида бу ерда бўлиб, ушбу иншоотни таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди. Утган вақт мобайнида вокзалнинг асосий биноси, чиптахоналар, кутиб заллари тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ердаги Тошкент минтақавий темир йўл узели бинолари ҳам асосий бинога мутаносиб тарзда реконструкция қилинди. Натижада ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари кўзини кўнатидагидан ахлит ва мухташам мажмуа бунёд бўлди.

Президентимиз вокзал биносидидаги шинам ва ёруқ кутиб заллари, ресторан, террасий меҳмонлар хонаси, шунингдек, перрон билан танишди. Вокзал олдидаги фаввора ва асосий бинога туташ очик айлочларни кўздан кечирди.

Ўртбошимиз бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини баҳарганларга миннатдор-

лик билдирди.

Зотан, темир йўл вокзали мамлакат дарвозаларидан бири бўлиб, юрт ҳақида тасаввур уйғотишда унинг ўрни ва аҳамияти катта.

—Ушбу вокзал биносининг пойдевори 1901 йилда қўйилган. Кейинги қирқ йил ичида мутлақо таъмирланмаган, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов. — Истиклол йилларида Ўртбошимизнинг ташаббуси билан мазкур гавжум иморатни тубдан реконструкция қилишдек улкан иш муваффақият билан адо этилди.

Мамлакатимизда юкларнинг қарийб 90 фоизи темир йўл орқали ташилади. Бир кеча-кундузда 45 минг йўловчига хизмат кўрсатилади ва шунинг асосий қисми Тошкент Марказий вокзали зиммасига тўғри келади. Шу бос эски бинони замон талабларига мо со даражада реконструкция қилишда хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор қаратилади.

Вокзал биносидида йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Оналар ва болалар хонаси, бизнесзал, ҳарбийлар зали, ресторан, қаҳвахона ва буфетлар ишлаб турибди. Алоқа бўлими, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканлари, интернет-кафе, маълумотхона, юк сақлаш хоналарида йўловчилар учун тегишли қулайликлар яратилган.

Энг муҳими, мажмуани таъмирлашда илгор муҳандислик андозалари, миллий ва замонавий меъморчилик мезонларига таянилади. Эндиликда Тошкент Марказий темир йўл вокзали ўзининг ноёб ва бетакрор меъморий-муҳандислик ечими билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳа, бугун пойтахтимизнинг кўркам ва ҳушманзара кўчалари, майдонлари бўйлаб сайр қилиб, эл-юртимиз тинчлик ва тараққиёт, ободлик ва фаровонлик йўлидан собит ва дадил қадам ташлаётганига гувоҳ бўламиз.

Чор-атрофимизда янги қад ростлаган кўркам ва маҳобатли иморатлар, қайтадан сайқал толган бинолар, кен ва раван йўллар, ораста бог-роғлар, майдонлар завоқимини оширади. Ана шу яратувчанлик ва бунёдкорлик тимсолида Истиклолнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини янада тарафдор қилишимиз.

Зеро, муσταқиллик йиллари Ватанимиз буюк ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Ўртдошларимиз қалби ва онгида ўзликка ишонч, фахр ва гуруҳ туйғулари кучайди. Истиклол шарофати туйғули халқимизнинг бунёдкорлик фазилати шаҳар ва қишлоқларнинг обод қиёфаси тимсолида ўзининг мафтункор, илҳомбахш қирралари билан аққол намоён бўлаёттир. Бу барчамизни бирдай қувонтиради.

**Анвар БОБОЕВ,  
Норали ОЧИЛОВ,  
Ғулом МИРЗО,  
ЎзА мухбирлари**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг собиқ раҳбарлари, пост-патрул хизмати батальонининг маъсул ходимлари ва Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 муассасасининг шифокорларига нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқиш якунланди.

Мазкур суд мажлисининг давлат сирлари билан боғлиқ қисми ёпиқ қолгани очик ўтказилди. Суд жараёни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда Россиянинг «Новости», ИТАР-ТАСС ва «Интерфакс», Франциянинг «Франс-пресс» ва Туркиянинг «Жихан» ахборот маҳкамалари вакиллари томонидан кузатиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот хизматида маълум қилинишича, суд жараёнида судланувчиларнинг хизматини ўташда соувқорлик, ҳокимият ҳаракатсизлиги, ҳокимият ва мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, порахўрлик каби жиноий ҳаракатларга йўл қўйганлиги жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза ва хизмат текшируви ҳужжатлари, ёзма, ашёвий ва бошқа далиллар билан тўла тасдиқланди, улар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди.

Олий суднинг ҳукмига кўра, Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Д.Оқмирзаев 2 йил 6 ой, унинг ўринбосарлари Н.Мамадиев ва А.Якубовнинг ҳар бири 2 йил, вилоят ички ишлар бошқармаси пост-патрул хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг раҳбари Н.Иномов ҳамда пост-патрул хизмати батальонининг командири А.Ахмедов, унинг ўринбосарлари А.Давронов ва Б.Ҳамидов ҳамда батальон наёбatchesлик қисмининг катта инспектори Э.Қорахўжаевнинг ҳар бири 2 йил, Тошкент шаҳридаги УЯ 64/18 муассасасининг шифокорлари М.Сувонов 11 йил ва Б.Ҳақбердиев 8 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилинди.

Пост-патрул хизмати батальонини наёбatchesисининг ёрдамчиси Б.Шокировага эса 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ва босқичма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда бозор иқтисодиётининг барча институтлари фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди, жумладан, субъектлар ўртасида ҳўжалик юритиш муносабатларини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Бироқ, шунга эътироз этиш керакки, макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг молиявий муσταҳкамлиги, шартнома мажбуриятларининг ижросини қучайтирмайдиган туриб, иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди. Тўловсизликлар даражаси эса барқарор ривожланишнинг асосий мезонларидан биридир. Бу товар ишлаб чиқарувчилар учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилгани, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмизининг амалий таъсири, ҳўжалик юритиш тизимининг самарадорлигидан ёки унинг аксидан далолат беради.

Иқтисодий ўсишнинг дастлабки босқичида (1996 йил) мамлакатимизда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари умумий даражаси янги ички махсулотнинг 35 фоизини ташкил этган эди. Кейинчалик, иқтисодиётни эркинлаштириш ва тўлов интизомини қучайтириш бўйича қатор чора-тадбирларнинг жорий этилиши натижасида бу кўрсаткич аста-секин пасайди.

2002 йилдан бошлаб муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори янги ички махсулотнинг 8-9 фоизи даражасида сақланиб қолмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу кўрсаткич ҳамон оқори ҳисобланади ва иқтисодиёт учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Тўловсизликлар даражаси оқорилигига қолиши ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини сустайтиради, иқтисодиёт жаҳдаларида молиявий бекарорликни қучайтиради.

Бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Қорхоналарда тўловсизликлар муаммолари ва уларни бартафари этиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш йўллари» мавзусида ўтган давра сўхбатига муҳокама этилди. Тадбир Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинди.

Мазкур қўмита раиси И.Қочмарик бош-

қарган бу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раҳбарлари ҳамда мутахассислари, қорхоналар, компаниялар ва банклар раҳбарлари иштирок этди.

Қизқаркли ва очик мулоқот чоғида мамлакатимизда тўловсизликлар даражасини пасайтириш имконини берадиган зарур қонунчилик ва меъорий-ҳуқуқий база ташкил қилингани қайд этилди.

Мажлисда сўзга чиққанлар ҳўжалик юритиш субъектлар ўртасида тўловсизликлар пайдо бўлишининг сабаб ҳамда омиллари ҳақида гапирдилар. Иштирокчилар эътибори тўловсизликларни келтириб чиқарадиган учта асосий омил - технологик, иқтисодий ва институционал сабабларга қаратилди. Уларнинг бир қисми иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларининг молиявий


аҳволи ва уларда муддати ўтган қарздорлик миқдорига тенг таъсир кўрсатади.

Бу, авваламбор, қорхоналарда пул миқдори ва айланма маблағлар тақчиллиги, ишлаб чиқариш-технологик базасининг қоқоқлиги, тўлов интизоми ва банкротлик тўғрисидаги қонунни амалга ошириш механизмининг самарадорлиги даражасининг пастлигидир.

Мажлисда ушбу масалани комплекс тарзда ҳал қилишга оид долзарб масалалар муҳокама этилди. Бу макроиқтисодий бошқарув, институционал туб ўзгаришлар, бундай ўзгаришларни микродаражада амалга оширишнинг зарур ҳуқуқий базаси ва механизмларини такомиллаштириш, тўловсизликлар реал суръати мониторингини билан боғлиқ чора-тадбирларни қамаб олган.

Солиқ тизими ислоҳоти қорхоналарни молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган. Бундан қўзғаланган асосий мақсад солиқларнинг рағбатлантирувчи вазифасини қучайтириш, товар ишлаб чиқарувчиларга солиқ юқини қамайтиришдан иборат.

Мажлис қатнашчилари тўловсизликлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим бўлган амалдаги қонунчилик ва макроиқтисодий сиёсатни янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирдилар.



2006 — Хотийлар ва шифокорлар йили

## ЭЛ СОҒЛИФИ ЙЎЛИДА

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқ саломатлигини муҳофаза қилиш энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланди. Айниқса йилдан йилга кўплаб замонавий поликлиника ва шифохоналар бунёд этилаётганлиги фикримизга яққол далилдир.

Сиҳат-саломатлик йили ва унинг мантқий узвий давоми бўлган Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан яқинда «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси «Ўзэлектртармок» унитар корхонасига қарашли тиббиёт санитария қисмида бунёд этилган 60 ўринга мўлжалланган янги бинонинг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур тиббиёт санитария қисми 1995 йилда ташкил топиб, илк беморларни қабул қилган.

— Тиббиёт-санитария қисмини очишда республикамизда машҳур шифокор ва ташкилотчи Шукурхўжа Зокирхўжаевнинг хизматлари катта бўлган, — дейди мазкур тиббиёт-санитария қисми бош шифокорининг ўринбосари Жамила Хидоятлова. — Топширилаётган янги

бино пойдеворини қўйишга ҳам шу инсон асос солган. Санитария қисмида поликлиника, 60 ўринли стационар мавжуд бўлиб, у республикамизнинг 55 мингдан ортқ энергетика тизими ходимларига, уларнинг яқинларига малакали тиббий хизмат кўрсатади. Бунинг учун шифо масканимизда етарли шарт-шароитлар бор. Жумладан, клиник биохимия лабораторияси, функционал текширувлар (УТТ, ГФС, рентген, ЭКГ, ФВД, ЭЭГ, аудиометрия) ва бошқалар шулар жумласидандир. 49 нафар олий тоифали иш тажрибасига эга шифокорлар, 12 нафар тиббиёт фанлари номзодлари ҳамда малакали ҳамширалар туну кун беморлар дардига малҳам бўлишмоқда. Эндиликда тиббиёт-сани-

тария қисмининг янги биносида ҳам замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, бу ерда ультра нурлар билан даволаш, сув билан даволаш хоналари, тренажёрлар зали, 60 ўринга мўлжалланган ошхона мавжуд. Шунингдек, ҳар бир хонада телевизор, музлатгич, мейбеллар бўлиб, беморлар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан эълон қилинган Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда энергетикларнинг касб байрамлари арафасида фойдаланишга топширилган ушбу тиббиёт масканида шифокору ҳамширалар ҳар томонлама машаққатли ва иқтисодиётимиз учун зарур бўлган энергетика соҳаси ходимларининг соғлигини тиклашда ўзларининг бор билимлари ва куч-гайратларини аямай меҳнат қиладилар.

**Дилором ИКРОМОВА**  
**СУРАТЛАРДА: «Ўзэлектртармок» унитар корхонасига қарашли тиббий санитар қисми янги биносининг очилишидан лавҳалар.**

**Тоҳир Нигматуллин**  
**олган суратлар**

Янги марказ

## НАЗОКАТЛИ АЁЛЛАР

Яқинда шаҳримизда «Назокатли аёллар» маркази иш бошлади. Ушбу марказнинг «Назокатли аёл» деб номланиши беҳиз эмас. Зеро, «нозик» сўзи замирида нафислик, гўзаллик маъноси бор. «Назокат» эса худди шу сўз мазмунининг умумлашгандир.

— Ушбу маросимнинг файзли ва ўзига хос тантанавор ўтказилишида алоҳида мазмун бор. Биз кўтаринки руҳда иш бошлашимиз ва олдимизга қўйган вазифаларни гўзал тарзда урдалашимиз керак, — дейди марказ раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилбар Фулмова. — Марказнинг ўз олдига қўйган вазифалари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан ҳар бир фуқаронинг маданий-маънавий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам бериш, кекса аёллар, маҳаллалардаги фуқаролар учун демократик жараёнларнинг мазмун ва мақсадларини ифодаловчи ташуунтириш ишларини олиб бориш ва бу борада услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, кекса ёшдаги ёлғиз ва ногирон аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда кўмаклашиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам уюштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий биланларини оширишга кўмаклашиш, шунингдек, ёш оилаларга тadbиркорликни ривожлантириш борасида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларнинг моддий асосини мустаҳкамлаш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда иштирок этиш, ўсиб келаётган ёшлар онгига Миллий истиқлол мафқурасини сингдириш каби мақсад, вазифаларни бажаришни ўз олдига қўйган.

Юқоридаги вазифалар чиндан ҳам кўламли ва иштиёқ билан фаолият юргизишни тақозо этади. Биз шундай даврда яшаймизки, кўпни кўрган онахонларимизнинг кўмаги, маслаҳати жуда зарур бўлади. Айни пайтда кекса ёшдаги одамлар учун ҳам жамиятнинг фаол ёрдами даркор. Ўртада шундай восита бўлиши керакки, у аҳолининг ушбу қатламини қўллаб-қувватлаш, айни пайтда ўзининг бой тажрибаси, билим ва кўникмасини саҳийлик билан ёшларга улашиши муҳим аҳамият касб этади.

Тadbирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фаридат Абдураҳимова бундай ташаббус Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-tadbirlar тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 июндаги 299-сонли қарорига мувофиқ бўлиб, жамиятни демократлаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш борасида хотин-қизлар фаолиятини янада оширишни кўзда тутишни таъкидлаб ўтди.

Мухтасар қилиб айтганда, бундай жамоат ташкилотларининг кўпайишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, бизнинг шioriимиз: «Кучли давлатдан кучли жамият сари» илгариллаб бориш, миллий ўзлик, миллий тафаккуримизни бойитиб боришдан иборатдир.

**Насиба ОЧИЛОВА**

Умр — бир соз эмиш. Уни кимдир соз, кимдир эса носоз чалиб ўтади. Камина ана шу умрни соз ўтказган ва ўтказиб келаётган туганмас сулола, авлод вақили бўлган домламиз ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу сулола авлодлари асрлар оша умр кўнироқларини жаранглаб келаётган катта қарвонга ўхшайди. Қарвонлар бир-бирини қувиб, олдинга интилиб ўтаверадилар. Инсон авлодлари орасида ворислик-давоимийлик демек.

*Хотинга қўйгансиз қўзғалдиқ*

## ИЛМ-ФАН ЗАҲМАТКАШИ

Узоқ асрлар аввал яшаган, ўз бахтини ўз қадоқ қўллари билан яратган болалар йўлини давом эттириш навбати бизникидир. Немис олими И.Гёте «Киши фақат одамлар орасида ўз-ўзини англашга қодир» деган экан. Гап гўё таниқли олим, фан фидойиси Ғофур Раҳимовга қарата айтилгандек.

Ғофур Раҳимов 1905 йилда таваллуд топиб, интернатда тарбия қўрган. Олий маълумотни (ҳозирги Санкт-Петербург) политехника институтида олган. Домла институти тамомалаганидан сўнг Ўрта Осий индустриал институтига ишга қиради.

Ғофур аканинг маънавий дунёсига нигоҳ ташлар эканмиз, ундаги ўзига хос жиҳатига тўхталмай иложи йўқ. «Ўзликдан кечманг, лекин ўзгалардан ҳам арзирли нарсаларни ўрганишга одатландир. Ҳар қандай миллат бошқалардан ўргангани ва ўрганиши ҳам керак», дер эдилар устоз. Бу у кишига ўз халқининг қон-қонидан, теран томиларидан ўтиб, онги, шуури ва жисмига синган, эътиқодига айланган ноёб туйғу бўлса ажаб эмас.

Бир йўла бир неча тилда баб-баробар фикр юритиши, ижод қилиши ҳам, ўзи бош бўлган меҳнат жамоасида ишловчи турли миллат ва элат вакилларига бирдек самимий муомалада бўлиш, шоғирдлари, талабалари орасидан турли миллат намояндаларининг кўплаг учраши ҳам домланинг баиналмилал инсон бўлганлигидан далолат беради.

Қолаверса, Ғофур акани катта фан йўлига, илм-маърифат бўстиғига илк бор етаклаган, унга оталик, раҳнамolik қилган устозлари ҳам турли миллат вакиллари бўлишган. Академик Нейман ҳам шулар жумласидандир.

Домла кўп йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси энергетиклари ва электротехника sanoати илмий-техникавий жамиятининг раиси эди.

1970 йилларнинг бошларида бизни Республика билим жамиятида маъруза қилишга Сурхондарё вилоятига

юборадиган бўлишди. 10 та виоздан домла иккимизни Термиз шаҳрига қўйишди. Ишларимиз поёнига етгач Ҳаким-ат-Термизий макбарасини зиёрат қиладиган бўлдик. Зиёрат пайтида ўша ернинг мужовили нуруний отахон қабр устидаги тошининг бир бўлагини инглиз одамлари олиб кетишган, мана бу ёзувини эса на шарқшунослик институтидан ва на қадимшунослик институтидан келиб ўқий олишди, деб қолди. Шунда домла қабр атрофини бир айланиб «қан қўрай-чи» дедилар. Кейин эса «бу қадимги ҳуснхатда ёзилган. Ҳаким-ат-Термизий шу ерга қўйилганликлари маълум қилинган» дедилар ва бизга истеҳзоли қараб қўйдилар. Халиги нуруний отахоннинг қандай ҳайратланганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мавлоно Ғофур Раҳим ўғлининг етти нафар фарзандлари — 2 ўғил ва 5 қизлари шунингдек, бир қанча набиралари бор. Илм оламидаги ўғил-қизлари ва набиралари эса сон-саноксиз. Домла ҳаёт бўлганлариде ҳозир оз билан юзлашган бўлардилар. У кишини мавлоно дея эъзозлаганимизнинг бизга ўзига хос сабаблари бор. Агар кибернетика илм-фанининг отаси Ал-Ҳоразмий бўлса, уни ҳаётга татбиқ этган, кибернетика отаси академик Воcил Қобулов бўладилар. У киши домла билан бир-бирларини мавлоно деб чақириварди.

Ғофур Раҳимовнинг китоб ва илмий рисоалари жуда кўп. Давлат ва жамият ҳақидаги фалсафий мақолалари ҳам талайгина. Агар домланинг нақллари моноқибларини тўплаб нашр қилинса ўзи бир олам.

Ўртимизда ҳар томондан етук, маънавий жиҳатдан бой, фозил фарзандларни тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор берилётган бир пайтда шундай олимларимизнинг илмий ишларини ўрганиш катта аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

**Ҳасан МУҲАММАДҚУБ** ўғли

*Иқтисодий*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиш, қўшимча ишчи ўринларини барпо этиш ҳамда ички бозоримизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу корхонада эндиликда ювиш воситалари ҳам тайёрланмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги шампунлар, душ учун геллар ва маший ювиш воситаларини мутахассислар юқори баҳоламоқдалар. Албатта, бундай сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришда корхонанинг Германиядаги машҳур «Когнус» фирмаси билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан шахримизнинг энг яхши гўзаллик салонларида ҳам фойдаланилмоқда. Эндиликда бу маҳсулотлар шахримиз дахон пештахталарида ҳам сотувга чиқарилади.

— Мен мамнуният билан корхонада тайёрланаётган шампунлар, геллар ва бошқа ювиш воситаларини таърифлашим мумкин, — дейди жумладан «Тезинтом» компанияси вакили Эльвира Убайдуллаева. — Ушбу шампунда ювилган сочлар ипақдек майин, жилдодор ва чиройли кўриниши билан атрофдагилар эътиборини тортиши аниқ.

Маълумки, бугунги кунда Германияда ишлаб чиқарилаётган шампунлар ўзининг сифати билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида алоҳида эътироф этилади. Маркетологлар, мутахассислар ҳамда истеъмолчиларнинг бу ҳақдаги фикрлари ҳам шундай ва ушбу сифатли маҳсулотларга талаб юқори. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бунча йўналишларда бутун дунёга ва кенг халқ оmmasига маълуму машҳур бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам компания ўз бизнесини ривожлантириш, истеъмолчиларни сонини кўпайтириш ҳамда уларга сифатли маҳсулотни таклиф қилиш мақсадида иш фаолиятини тўбдан ўзгартиришга киришди. Ўйлаймизки, ушбу арзон ва сифатли шампунлар, геллар, янги маший ювиш воситалари мамлакатимиз ички бозорига ўз ўрнига эга бўлади.

**Орзуғул РУСТАМОВА**



Унинг саҳнасида яратилиб, республикамизнинг барча вилоят мусиқий-драматик театрлари репертуарига киритилган, шунингдек, қўшни Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлатлари саҳналарида ҳам қўйилган энг сара драмалар, мусиқали комедия ҳамда трагедиялар кўплаб топилди. «Тоҳир ва Зухра», «Нурхон», «Олтин қўл», «Ватан ишқи», «Ташболта ошқ», «Момо ер», «Гул ва Наврўз» ва бошқа саҳна асарлари мусиқий-драматик репертуарнинг ёрқин намуналаридир.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри ўз фаолиятини 1939 йил 30 ноябрда сатира ва комедия театри сифатида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедияси билан бошлаган ва томошабинлар меҳрини қозонган. Театр бадий раҳбар эғибатли машҳур комик актёр, Ўзбекистон халқ артисти Миршохид Мирзиёлов таъинланган, у қисқа вақт ичиде республика театрларидаги комедия жанрига лаёқати бор артистларни жалб қилди. Труппага режиссёрлардан Ф.Умаров, Б.Хужаев, артистлардан М.Кузнецова, М.Ёкубова, У.Абдуллаев, А.Болтаев, А.Бақиров, О.Хужаев, О.Фавзлова, М.Фурӯров, А.Юсупов ва бошқалар қабул қилинган. Улар илк бор «Майсаранинг иши» спектаклини яратганлар. Шундан кейин Ф.Фурӯровнинг «Қозихона», Лопе де Веганинг «Ўжар хоним», Б.Халилнинг «Ошиқлар» номли асарлари саҳналаштирилган. Шу

## МУСИҚИЙ ТЕАТРНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

**Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри Ўзбекистонда мусиқий драма санъати тараққиётига хизмат қилувчи ягона театрдр. Отаҳон театрлардан саналган мазкур санъат масканини кўп йиллардан буйин халқимизга хизмат кўрсатиб келаётган маънавият ўчоғи дейиш мумкин.**

Йилларда сатира ва комедия театри негизда мусиқали драма ва комедия театри тузишга қарор қилинди. Тошкент театрларидан, шунингдек, Андижон, Қўқон, Наманган, Марғилон театрларидан бир қанча қўшиқ айтиш лаёқатига эга бўлган артистлар театрга жалб этилди. Улар орасида Ш.Раҳимова, Т.Жаъфарова, А.Азимов, М.Юнусов, А.Мухамедов, халқ хофизларидан Ҳ.Ахмедов, Ж.Султонов, Ж.Ғиёсов, М.Узоқов ҳам бироз вақт шу театрда ишлаганлар.

1941 йил баҳоридан театр жамоасига Лутфихон Саримсоқова, Зухур Қобулловлар келиб қўшилди. Бастакор Тўхтасин Жалилов театрга бадий раҳбар қилиб тайинланди. Шунингдек, театр жамоаси оғир ва мураккаб уруш йилларида ҳам ҳозиржавоблик билан концерт дастурларини тайёрлаб, намойиш этганлар.

— Кўп йиллик тарихий йўлни босиб ўтган, Ўзбекистон мустақилликка эришган театр ҳаётида янги саҳифа очилди, — дейди биз билан суҳбатда Муқимий номидаги Ўзбек Дав-

лат мусиқий театрининг бош режиссёри Рустам Маъдиев. — Театр санъатида қаратилган янги муносабат ва эътибор туфайли ўнлаб янги-янги саҳна асарлари, тарихий ва замонавий мавзудаги спектакллар яратилди. «Диёнатга хиёнат», «Алломишнинг қайтиши», «Тўйдан кейин томоша», «На малакман, на фаришта», «Қудқуд тубидаги фарёд», «Сойибхўжа операцияси», «Суперқайнона», «Мангу машал», «Додагинам» сингари турли жанрдаги асарлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга театрга «Хумо қуши», «Силбоднинг саргушталари», «Сеҳрли бошқ», «Билалонинг йўли чароғон» сингари болаларга бағишланган спектакллар ҳам томошабинлар ҳуқига ҳавола этилган. Таърибли мураббий Б.Назаров режиссёрлигида саҳналаштирилган «Топталган туйғу», «Суперқайнона-2» каби янги асарлар театр репертуарини янада бойитди. Шунингдек таъкидлаш керак, режиссёр ва актёр Б.Холмированинг дебют сифатида саҳналаштирилган «Осмоннинг бағри кенг» спектакли театрлараро ўтказилган замонавий саҳна асарла-

ри республика фестивалида муносиб ўрин эгаллади. Шунингдек каминатошонидан саҳналаштирилган «Бобур соғинчи», «Фариштали аёл», «Ҳасан Кайғий» каби спектакллар ҳам кейинги йиллардаги изланишлар самарасидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда театр директори Музаффар Назаров раҳбарлигида бош режиссёр Рустам Маъдиев, бош дирижёр Жўра Ориқов ва жамоани бошқа жонқуярлари ижодий изланишлар борасида самарали фаолият олиб боришга таянган. Жумладан, ҳозирда театрнинг устоз ва етакчи санъаткорлари Ўзбекистон халқ артистлари Ф.Раҳматова, Н.Пўлатова, М.Ихтиёрова, Ф.Ахмедов, З.Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Р.Солиқов, Д.Сафонова, Р.Маъдиев, Т.Бекназаров, М.Салимов, М.Бекчонов, М.Азизов, Б.Холмиров ва бир қатор истеъдодли ёшлар билан жамоа янада кенгайди.

Шунингдек театр кераки, яқинда театр жамоаси учун қувончли воқеа бўлди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тавсияси билан

Қоҳирада бўлиб ўтган театр фестивалида театр жамоаси «Тўла» спектакли билан қатнашиб, фестиваль қўмитасининг ёшлар ижодиётини ривожлантириш бўлими томонидан таъсис этилган мукофотга сазовор бўлди.

— Фестивалда 94 та давлатдан иштирок этган жамоалар ичиде бундай мукофотни олганимиздан жуда ҳам хурсандимиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов. Фестивалда бизнинг спектакль «Энг долзарб муаммони кўтариб чиққан» деган соғин олди. Реп усулида яратилган томошанинг асосий мавзуси ғиёвандлик ва унинг ёмон оқибатлари ҳақида бўлиб, тарбиявий аҳамиятига эгадир. Спектаклда асосий ролларни А.Латипов, М.Ортиқова, И.Ошиқов, О.Сафаралиев, М.Алимбоева ва бошқалар ижро этишган. Бу мукофот албатта театр жамоаси учун катта ютуқ бўлди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда театр жамоаси замон руҳи билан йўғрилган, тўлақонли янги-янги саҳна асарларини яратиш, мухлислар сифини кенгайтириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Айниқса беш икки йил ичида янги драматурглар, бастакорлар, раҳбарлар, режиссёрларнинг жалб этилиши, ўз олдларига қўйган мақсадлари сари дадил одимламоқдалар.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган спектакллардан саҳналар.**



Ушбу марказ фаолияти билан яқинда танишиш мақсадида яқинда шу масканга йўл олди. Марказ директори ва «Умид» ёшлар студиясининг раҳбари кўпчилигимизга яхши таниш бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълоҳиси Азим Азизовдир. Шунингдек таъкидлаш жоизки, таърибли мутахассис, маданият-оқартув соҳасининг етук билимдонларидан бири Азим Азизов яхши ташкилотчилик қобилиятига эга санъаткордир. Утган йиллар мобайнида у шаҳримизда «Баёт» халқ студиясини, Қувада «Анор», Жиззахда «Дўстлик чамани», Навоийда



«Қўли ирок» яна Тошкентда «Чаман» ва «Умид» халқ дасталарини тузган бўлса, 1990 йили ташкилотчилик қобилиятига эга санъаткордир. Утган йиллар мобайнида у шаҳримизда «Баёт» халқ студиясини, Қувада «Анор», Жиззахда «Дўстлик чамани», Навоийда

«Қўли ирок» яна Тошкентда «Чаман» ва «Умид» халқ дасталарини тузган бўлса, 1990 йили ташкилотчилик қобилиятига эга санъаткордир. Утган йиллар мобайнида у шаҳримизда «Баёт» халқ студиясини, Қувада «Анор», Жиззахда «Дўстлик чамани», Навоийда

*Мағанузм масканларига*

### УМИДЛИ САНЪАТ ФУНЧАЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларга санъат сирларини ўргатиб, қомилликка йўллашда албатта маданият масканларининг ўрни каттадир. Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ибн Сино номли маданият маркази, унда фаолият кўрсатаётган «Умид» студияси ҳақида кўпчилик ҳамшаҳарларимиз яхши билишади албатта.

Қизларнинг ўзбекчиликка зид хатти-ҳаракатларидан, бачкана ва хунук қилиқларидан одамларнинг энсаси қотади, асаблари бузилади. Бу ҳолни ҳар куни такрор кўравериб, бир куни жим туролмадим, дилимдагини тилимга чиқардим. Қизларга кўча-кўйда ўпишиш бемаъни одат эканлигини тушунирмоқчи бўлдим. Қизларнинг уятдан қизариб, ўз хатолари учун уэр сўрашларини кутган эдим. Улар бўлса гапларимни назарларига илмай, терс ўгирилиб нари кетишди. Афсуски, ўпишиш одати фақат қизлар, аёлларда эмас, балки эркаклар орасида ҳам кўп учрамоқда. «Чиллаки чиллақини кўриб чумак уради» деганларидек, собиқ шўро даврида хушомадни, лаганбардорликни ёқтирадиган айрим тоифа кишилар ўпишиш ишга қўйилган, бу

Сўнгги пайтларда одамларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро муносабатларида бефарқлик, лоқайдлик, эътиборсизлик дуч келяпти. Улар оддий нарсани тушунишни истамайтганлари ташвишли ҳолдир. Соғлом турмуш тарзини яратиш учун энг оддий санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмоқ даркор. Акс ҳолда нафақат одамлар, балки ҳайвонот, ўсимликлар оламида ҳам ўта юқумли, зарарли касалликлар келиб чиқиш хавфи пайдо бўлади. Барча зарарли касалликлар инсон танасига аввало оғиз бўшлиғидан ўтади. Аксирини, йўталиш, бир идишдан овқат тановул қилиш, ўпишиш кўришиш—

зид. Бу бачкана қилиқ, ҳаётимизга кириб, муқим ўрнашиб олгандин сўнг, азалий урф-одатларимиз бадарға қилингандай туюлмоқда. Назаримда, мактабга тарбия муассасаларида саломлашиш одоби ҳақида етарлича тушунириш ишлари олиб борилмапти. Қолаверса, айрим оилаларда фарзандларига бу тўғрида эслатилмай қўйилганига анча вақт бўлганга ўхшайди.

Иккинчи бир муаммо ўпишиш кўришиш одати хусусида. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, бўса олиш ижтимоий мулоқотнинг ўта нозик, олий кўринишларидан бири бўлиб, инсоннинг, айниқса, эркак ва аёлнинг бир-бирига бўлган ўзаро меҳр-муҳаббати, сирли ва пинҳона хис-туйғулари чўққиси ифода-сидир. Ўпиб, бўса олиш шундай баёхот кудратли хис туйғуки, унинг баҳоси ҳеч қачон, ҳеч бир замонда бугунчалик арзон ва беқадр бўлган эмас! Унинг қадрсизлигини маънавий ва маънавий бузуқлик, одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаслик, ҳаётимизга енгил-елпи, айрим тушуруқсиз кўрсатувлар ва ёшларнинг ўзидан ҳаё пардасини кўтарувчи баъзи фильмларнинг кириб келиши билан боғлиқ эмасмикан, деган ўйга бораман.

Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек: «Одоб оддий ва самимий саломлашишдан бошланади». Шундай экан, ўпишиш саломлашиш маданияти белгиси эмас.

**Искандар РАҲМОН, Фўқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси**

# Маънавият — ақл кўзгуси

**Мирзо Улуғбек саноат касб-хўнар коллежининг муҳташам зали яқинда ўқувчилар билан гап-мулоқот бўлиб, «Маънавият — қалбим қуёши» мавзусида таъдбир бўлиб ўтди. Ўқувчилар бир-бирларига:**

— Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов билан учрашув бўлар экан!  
— Эшитдингми?..  
— Кинодаги роллари зўр-да!  
— Ҳа, «Суюнчи» фильмидаги Хусан Шариповни айтмасанми! Халиги футбол командаси тузган..  
— Худди ўша! Ҳа, маънавият кўзгуси ифода-сидир. Ўпиб, бўса олиш шундай баёхот кудратли хис туйғуки, унинг баҳоси ҳеч қачон, ҳеч бир замонда бугунчалик арзон ва беқадр бўлган эмас! Унинг қадрсизлигини маънавий ва маънавий бузуқлик, одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаслик, ҳаётимизга енгил-елпи, айрим тушуруқсиз кўрсатувлар ва ёшларнинг ўзидан ҳаё пардасини кўтарувчи баъзи фильмларнинг кириб келиши билан боғлиқ эмасмикан, деган ўйга бораман.

Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек: «Одоб оддий ва самимий саломлашишдан бошланади». Шундай экан, ўпишиш саломлашиш маданияти белгиси эмас.

**Искандар РАҲМОН, Фўқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси**

**Мағбурлар**

### МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

мати, ҳалоллик ва поклик, садоқат, табиатга меҳр ҳақида бўлди. Устоз санъаткор забардаст овози билан зални қамраб олган, бири-бирдан таъсирли, ҳаётий мисолларни келтирган экан, сўз сеҳри билан тингловчи қалбига кириб борарди... Залдан кетма-кет сабоқлар ёғила бошлади. Демак, санъаткор мўдрок туйғулари уйғоқ билди. Учрашув сўнггида пешонага чиққан реза-реза терлар бекор кетмади. Бу санъатга, эл-юртга бўлган фидойилик намунаси эди...

Одатгаддек, адабиёт дарсида ўқувчиларга савол бердим. «Учрашув қандай таассурот қолдирди?»

— Биз маънавиятимизнинг «қўқилди»ларига назар солсак халқимиз ўз миллий қадриятларини, ўзалигини чўқур ҳурмат қилган, юрт фаровонлиги йўлида жон фидо қилган халқ эканлигини яхши биламиз. Шундай экан, биз димо кутлуг саналар, халқаро микссида нишонланадиган кўнларни эсдан чиқармаслигимиз лозим. Бугунги кунда марказимиз аник режа асосида иш олиб бормоқда. Мақсадимиз аввало жойларда йирик давлат, санъат, адабиёт намояндалари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиш, баҳс-мунозаралар ўтказишига алоҳида аҳамият қаратади. Йил бошидан буйин Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар ижросини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотларда, ўқув юрталарида энг долзарб мавзуларда маънавий-маърифий таъдбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. Бундай таъдбирлар туман «Маҳалла» жағмараси, «Қамолот» ЕИХ, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

ми мисолида табиатга бўлган меҳр намунасини кўраимиз.

— Хусан ака бизга яхши келин бўлиш сабабини ҳам бердилар. Ҳар бир инсоннинг кўнглини олишга интилиш керак экан.

— Бировнинг нуқсонини юзига айтиш, лақаб қўйиш ғуноҳ эканлиги ҳақида ўйлаб қолдим...

Ўқувчиларнинг шу каби фикр-мулохазаларидан мамнун бўлдим.

Қўнғирок қалинда ҳамки, талабалар кўнглиларидан қақнаган маънавият учқунлари, изхоридан тўтмасдилар. Назаримда бу ўқувчилар қанча кўп бўлса, бирлашиб қўйиб баъзан қайтмаслик. Маънавият, ёруғ қалблар эса фақат яхшиликка мўйил бўлади. Биз, устозларнинг аёли мақсадимиз ҳам шу.

— Ватан ҳақида ўйлаб қолдим. Бу баландларвоз сўз эмас, балки уйғимиз остонасидан бошланадиган оддийгина, шу билан бирга кудратли бир меҳр экан.

— Хусан ака айтган олма дарах-

лари тинмай изланиб, янги-янги концерт дастурларини тайёрлаб бораётган фольклор намуналарини қайта тайёрлаб саҳнага олиб чиқишмоқда. Шунингдек алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур студия мамлакатимиз бадий хаваскорлик санъатини хорижий давлатларда ҳам кенг намойиш этиб мулан бирга атрофлари мевали ва манзарали дарахлар, турфа хил гуллар экилган марказ биносида «Маънавият ва маърифат» хонаси мавжуд бўлиб, гастрол сафарларида энг эътироби қўлаб суларатлар, турли адабиётлар ўрин олган. Маданият марказида айниқса турли бадий хаваскорлик ўтгарларининг фаолият юритаётганлиги диққатга сазовордир.

«Умид» фольклор-ракс студияси, «Абдулла» эстрада дастаси, «Қувон» ҳажвий ёшлар театр-студияси, диоранжар дастаси, «Жонзиба» гуруҳи, «Умид» кўшқ-чолғу дастаси, қизлар ракс дастаси мавжуд, шунингдек давлат тилини ўрганиш, шахмат-шашка каби турли хил тўғрақарлар фаолият олиб бормоқда. Бу жамоаларда 200 дан ортиқ соҳа иштирокчилари жалланган. Буларнинг барчасини санъатга бўлган меҳр бир-

Дилроми ҳамда Вазирилар Маҳмадининг ушбу Фармон буйича қарориде белгиланган вазифаларни бажариш буйича хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан марказимизда ҳарқат дастури ишлаб чиқилган. Туманимиз маҳаллаларида, ўқув юрталарида «Ғиёвандлик — ёмон иллат», «Жинойятчиликнинг оқибатлари», «Жинойят ва ҳазо», «Муруватли бўлайлик», «Исломи дини ва фарзанд тарбияси», «Саховат — барокат келтиради», «Ватан озодлиги — олий саодат», «Оила муқаддас» сингари мавзуларда ўтказилаётган таъдбирлар, давра суҳбатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда маънавият ва маърифат борасида олиб бориладиган барча таъдбирлар халқимиз маънавиятини юксалтиришга, буюк аждодларимиз тафаккури маҳсулидан халқимизни баҳраманд этиш, жамиятимизда маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга йўналтирилган.

**Гулором ҲАМИДОВА**  
ёзиб олди

*Муносабат*

### САЛОМЛАШИШ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

Ҳар куни ишга кетаётган метро бекатидаги ўриндиқда дугоналарни келган бу қизлар ҳаммамнинг эътиборини ўзларига қаратиб, бир-бирлари билан оғиз-бурун ўпишганлари етмагандай, беўхшов қилиқлар қилиб, ҳиринглашиб атрофдагиларнинг гашини келтирадилар.

Юқумли касалликларни келтириб чиқарадиган асосий воқеа хисобланади.

Одамлар бир-бирлари билан кўришганда, саломлашиш вақтида ўпишиш шарт эмас. Саломлашиш рамзлари турлича бўлиши мумкин. Тарихчиларнинг ёзишларича, муҳулмон оламида ҳалол ва покиза ишларни ўнг қўл билан бажариш одат тусига кирган. Шунинг учун чой, таомни узатиш, ейиш, хайрли ишларни даст кўтариб тумшугидан чўпиллатиб ўпса бўладими? Ё, алҳазар! Юқорида кўрган-кечирганларим бу ўпишишнинг олдида ҳолва эканлигига иқдор бўлишдан бошқа илоҳим қолмади.

**Муналарга**

### ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗАБ

Бой маданий ва тарихий меросимизни кенг тарғиб этиш, ёшлар онгида юксак маънавий қадриятларни камол топтириш, уларни умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, Миллий истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Уларни кенг орасида тарғиб этишда шахримиз туманларида фаолият олиб бораётган «Маънавият ва маърифат» марказларининг фаолияти диққатга сазовор бўлмоқда. Жумладан «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ушбу марказ раҳбари Ҳалима Жуманиёзова бизга куйидагилардек гапириб беради.

Маълумки, Президентимиз ташаббуслари билан жорий йил «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Одамларда ўз саломатлигини асрашга тўғри ва масъулият билан ёндошиш, соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш буйича туманимизда кенг қўламадаги ишлар олиб боришмоқда. Хусусан тумандаги олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим мактаблари жойлашган маҳаллалар билан ҳамкорликда режалар тузилган. Мақ-

сад таълим соҳасидаги ислохотлар, «Соғлом авлод», «Сихат-саломатлик» дастурлари, «Миллий истиқлол гоғли, асосий тушуна ва тамойиллар» асарини жамиятининг барча қатламлари орасида кенг тарғиб этиш, маърифий таъдбирларни ҳамкорликда ташкил этишдан иборат. Шунингдек, тумандаги олий ва умумтаълим мактабларида ғиёвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган кўлаб маънавий-маърифий таъдбирлар ўтказилди. Жумладан, олий ўқув юртал-

«Дилроми ҲАМИДОВА СУРАТЛАРДА: Ибн Сино маданият марказида Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказилган таъдбирдан лавқалар.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

2006 — Ҳотийлар ва шифокорлар йили

## САХОВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Турли байрамлар, айниқса янги йил арафасида кўмакка муҳтож кишилар, етим-есирлар ва кам таъминланганларга муруват курсатиш халқимизнинг азалий хайрли одатларидан ҳисобланади.

Ҳозирда шаҳримизнинг қай бир гўшасига борманг саховатли корхона, ташкилотлар ва тадбиркорларнинг кўмакларининг устидан чиқасиз.

Шаҳримиздаги «Меҳрли савдо» шўба корхонаси ҳам қўлтуғ кунларда муҳтожлардан ўз кўмагини аямайдиган ташкилотлар сирасига қиради. Жумладан, янги 2006 йил арафасида «Меҳрли савдо» болажонлар кўнгилларини шод этишга ҳаракат қилди.

Мирзо Уллубек туманида жойлашган Республика суяк сили касаллиги санаторийида 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган 250 нафар бола-ларга шифо берилди. Уларнинг кўпчилиги ётиш хўлда бўлиб, атрофдагиларнинг кўмагига муҳтождир.

«Меҳрли савдо» шўба корхонаси вакиллари санаторийида даволанаётган болажонларга қўлтуғ байрам арафасида 700 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек ҳар бир болага алоҳида янги йил совғаларини ҳада этишди.

— Ушбу курсатилган меҳр-муруватдан болажонларимизнинг кўнгиллари тоғдай кўтарилди, — дейди суяк сили касаллиги санаторийи бош шифокори Азиза Турсунова. — Ўйлаймизки, Ҳотийлар ва шифокорлар йи-


лида муруватли инсонлар сони янада кўпаяди.

Корхонанинг иккинчи хайрия тадбири Шайхонтоҳур туманидаги Ғофур Рашидов номидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари тарбияланадиган 98-мактаб-интернатда ўтказилди.

Бу ерда шўба корхонаси директори Нурилла Ғиёсов, директор ўринбосари Ада Чекановалар бўлишиб, тарбияланувчиларни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриқлашди ва умумий қўймати 1 миллион 254 минг сўмлик совғаларни топширишди.

**Даврон НУРМАТОВ СУРАТЛАРДА:** «Меҳрли савдо» шўба корхонаси томонидан ажратилган янги йил совғалари Республика бола-лар суяк сили касаллиги санаторийида даволанаётганларга топширилмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар



### Шабирлар

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда «Япония маданияти кунлари» тадбири ўтказилди.



## УНИВЕРСИТЕТДА МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Таъкидлаш жоизки, юртимизда жаҳон мамлакатлари маданияти, урф-одати ва анъаналарига қизиқувчи ёшлар иштирокида турли тадбирларни ўтказиш анъанага айланмоқда. Хусусан, кунчиқар мамлакат Япония тарихи, маданияти ва анъаналарини ўзда акс эттирган бу тадбирда ҳам шаҳримиздаги бир қанча олий ўқув юртиларида таълим олаётган талабалар иштирок этишди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўтказилган ушбу тадбир очилишида сўзга чиққанлар ушбу маданият кечасининг анъанавий ўтказилиши талабаларнинг япон тилига бўлган қизиқишини ошириб, мамлакат ҳақида кўпроқ маълумот олишлари-га, шунингдек, янги дўстлар орттиришига имконият яратишини таъкидлашди. Ўзбе-

кистон ва Япония мамлакатларининг тарихи, урф-одатларининг ўзаро ўхшаш тарафлари бу тадбирда намоён бўлди.

Тадбир давомида талабаларнинг мамлакатимиз анъаналарини акс эттирган «Зумрад ва Қиммат» эртагининг япон тилидаги тарқини саҳна кўриниши сифатида маҳоратли ижро этилди. Маданият кечасида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари макизуши, диагакуимо (талабаларнинг севимли ширин картонкаси) каби япон миллий таомларини тайёрлашди. Маданият кечасида албатта мусиқасиз кечмайди. Тошкент Давлат юридик институти талабалари томонидан ижро этилган япон тилидаги қўшиқлар ушбу мамлакат

санъатига бўлган қизиқишларини намоён этди.

— Биз ушбу кечадан катта таассурот олдик. Япон миллий таомларидан татиб қўрдик. Кунчиқар мамлакат тарихи, маданияти ҳақида кўпмаълумотлар олдик. Фикримча, бу мавзулардаги байрам кечалари анъанавий тарзда ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, — дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Юлдуза Авезова.

Байрам кечаси сўнгидан савол-жавоблар ўтказилиб, энг зукко ва билимли талабаларга совғалар тақдим этилди.

**Юлдуз РИЗАЕВА СУРАТДА:** «Япония маданияти кунлари» тадбиридан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат

### Тиббиёт

## МУОЛАЖАЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Республика Эндокринология илмий текшириш институти лабораторияларида бўқоқ хасталиклари муолажаларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий муассасанинг диабетология лаборатория олимлари изланишлари ҳам қўлтирилган натижаларни бермоқда.

Қандли диабет хасталиги бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар тиббиёт фани ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Институтининг бу ва шунга ўхшаш бошқа ютуқлари яқинда Тошкентда ўтказилган илмий анжуманда яхши баҳоланди.

Швейцариядаги Хоффман-Ля Рош компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда анжуманда бўқоқ хасталикларининг яна қатор муаммолари ҳақида сўз борди.

Ақбар АЛИЕВ

## ОРИГАМА САНЪАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентдаги инсон захираларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида оригама (қоғоздан ҳар хил фигуралар ясаш) бўйича ўтказилган танловда Камола Жалолова ва Андрей Кучинскийлар биринчилликни олишди. Танлов Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), NES, Mitsui, Marubeni компанияларининг юртимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда марказ томонидан ташкил этилган курс иштирокчилари қатнашди. Унда катталар қатори болалар ҳам ўзларининг оригама санъати бўйича эгалланган маҳоратларини намойиш этишди. Танлов уч босқичда ўтказилиб, голибларни қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Инсон захираларини ривожлантириш ўзбек-япон маркази раҳбари Ясуши Инабанинг маълум қилишича, 2006 йилда қадимий япон санъати бўлими оригама-нинг сир-асрорлари қўлланма сифатида ўзбек ва рус тилларида нашр этилади.

Бугун Тошкентда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида оригамага бўлган қизиқиш катта. Марказ келгуси йилда Бухорода ҳам худди шундай тўгаракни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Шунингдек, Республика Савдо-саноат палатасининг вилоятдаги бўлими ҳамкорлигида бизнес-семинарлар ўтказишни ҳам кўзда тутишган.

— Биз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида турли хил семинарлар ташкил этишни ва бу борада ўз тақлифларимизни беришни ҳам ният қилганмиз, — деди Я.Инаба. — Бунда бизга Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси яқиндан ёрдам беради.

Инсон захираларини ривожлантириш ўзбек-япон маркази 2000 йилнинг октябрида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасидаги келишув асосида ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий мақсади икки давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, вазифалар таркибига маҳаллий аҳолига япон тили, компьютер саводхонлигини ўргатиш, ахборот хизматини кўрсатиш ҳам қиради. Бу йил марказ 150 минг нафардан ортқ одамларни ўқитди. Маданий ҳамкорлик доирасида япон фуқароларини халқимиз анъаналари ва маданияти билан таништирувчи дастур ҳам ўз ишини бошлади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

### Шарқ дурдоналари



Байт:

Гарддай оғуси бор  
сўзни демагил,  
Ҳазил бўлганда ҳам  
огринади дил.

Луқмони Ҳакимдан: «Одобни қимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Луқмони Ҳаким жавоб берди. «Одобни бедоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!»

Бирор эсли кишига  
хатто ҳазил сўз айтсанг  
У шундан ҳам ўзига  
чиқаради хулоса.

Аммо аҳмоқ кишига  
юзлаб ҳикमत ўргатсанг,  
Барчаси унинг учун  
туялар ҳазил нарса.

● Қабиҳ одамга саховат ҳам, донишлик ҳам қабиҳлик бўлиб кўринади. Ифлосга — ифлослик ёқади.

● Емон одам мисоли кўмир: мабодо кўйдирмаса ҳам сени қора қилади.

● Ёвуз одамлар киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайдилар.

● Раҳмсиз кишилар бировга озор беришдан хузурланадилар.

● Муттаҳам доим серзарда, жасур эса муруватлидир.

● Ёвузлик ҳаммаша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади.

Хикоят:

Найзаси заҳар билан бўлганга. Чаён сафарга чиқди. Кета туриб сув лабига етди. На олдига юрломмай, на орқага қайтломай туриб қолди. Чаённинг бу ахлоқини Тошбақа кўриб, унга раҳм қилди. Уни ўз устига миндириб сувга тушди. Бир томонга қараб сузиб кетди. Шу пайтда Тошбақа қосасига Чаённинг найза санчишдан чиққан овозини эшитди: «Бу қанча овоз?» — деб сўради Тошбақа.

Чаён жавоб берди: «Бу сенин орқанга санчаётган найзаминг овози, найзам орқанга ўтмаслигини билиб турсан ҳам, аммо ода-тимни ташлай олмайман». Бу тўғрида шундай деганлар.

Чаённинг қақши

бехосдан эмас,

Бу унинг хулқидир:

чақмай туролмас.

Тошбақа ўз-ўзига: «Шундан яхшии йўқки, бу ярамаси ёмон феълдан қайтарай ва яхшиларни унинг зийнидан қутқарай!» деди-да сувга шўнғиди. Чаённи тўлқин халок қилди.

● Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Сукротни айблади. Сукрот унга: «Агар мен хоҳласам сен қаби яхши-шим мумкин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан!» — деди.

Бойлардан яна бири Сукротга: «Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан» — деди. Сукрот эса унга: «Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг!» — деб жавоб берди.

● Тўрилик одамни балодан қутқаради.

Байт:

Ҳар кишига учта

иш одат эрур,

Анга ҳамдам хуш

саодат эрур.

Авалло эл айбини

кўрган замон,

Очмагай оғзин

маломатта шу он.

Ким агар кетса нотўғри

йўл билан,

Тўғри йўлга бошла

дарҳол қўл билан.

Солма асло ранж

элниг дастига,

Ўз юкинг қўйма

бировнинг устига.



*Ёшлар — келажакимиз*

## ИЛК БАЙРАМ — ХОСИЯТЛИ АЙЁМ

Кадри обод қадриятларга эҳтироми юксак, ихлоси баланд халқимизнинг ўзига хос тўйлари, байрамлари кўп. Мустақиллик азалий ҳамда анъанавий шодиёналаримизга ўзгача мазмуну моҳият бахш этди. Шаҳримиздаги 252-бошланғич таълим мактабида ўтказилган «Алифбе байрами»да иштирок этар эканмиз, юқоридоги ҳақиқатнинг шоҳидига айландик.

Жонкуяр устозлари Гулчехра Раҳимова ҳамда Лайло Фафурова таълими боис ҳарф таниб, савод чиқарган 1<sup>-</sup> ва 1<sup>-</sup> синфлар болажонлари ўз байрамларини катта шодиёна сифатида нишонлашди. Кичкинтой ўқувчилар тadbир аввалида саф тортиб, баланд овоз билан мустақил она-Ватанимиз мадҳиясини ижро этишган пайтда ёш авлоднинг Истиқлол хосиятидан қанчалар бахтиёр эканлиги янада яққол намоён бўлди. Ахир, биз катта авлод вакиллари Ўзбекистонимиз озод, хур бўлишини, ўз байроғи, герби ва давлат мадҳиясига эга бўлишини, фарзандларимиз мустақил юрт ўғил-қизлари сифатида ўсиб-ўлғайишини қанчалар орзу қилган эдик! Худога шукр, эл-юртимиз бахтига, ёш авлод толеига Мустақиллик мақомига эришиш насиб этди.

Давлатимиз, ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз Исом Каримов томонидан Ватанимиз равнақи, ёш авлод камолоти йўлида қанчадан-қанча эзгу ишлар амалга оширилиб, теран ва изчил сиёсат олиб борилмоқдаки, ушбу жараённинг қўлтуғ самаралари «Алифбе байрами»ни ўтказётган кичкинтойларнинг қувончи, завқу шавқидога ўзига хос ифодасини кўрсатди десак, асло муболага бўлмас.

Байрам мобайнида болажонлар ижросида янграган шеърлар, куй-қўшиқлар, намойиш этилган рақслар, сахна кўри-нишлари тadbирнинг барча қатнашчиларини, жумладан ота-оналарни, устозларни гоътада мамнун этди. «Алифбе» билан хайрлашиб, «Ўқиш китоби» билан танишган паллада ўғил-қизларимизнинг етуклик сари интилишлари астойдил эканлигини

яна бир бор ҳис этдик. Уларнинг кўзларида акс этган хурсандчилик, сўзларидаги мужассам эзгу ниятлар йиғилганлари ҳам янада шодлангирди. Tadbир сўнгида сўзга чиққан ота-оналар, меҳмонлар устозлар шаънига илиқ фикрлар айтиб, миннатдорчиликларини изҳор этишди.

— Мамлакатимиздаги барча мактаблар қатори бизнинг ўқув даргоҳимизда ҳам «Алифбе байрами»ни муносиб нишонлаш барқарор анъанага айланди, — дейди 252-бошланғич таълим мактабининг маънавий ишлар бўйича директор ўринбосари Наргиза Мухаммадшайхова. — Жажжи ўғил-қизлар ҳаётидаги илк шодиёналардан бирини ота-оналар, устозлар билан биргаликда ўтказиши эзгу қадриятлар боқийлиги, авлодларро ворисийлик зулқисизлиги учун катта ҳисса қўшади, албатта. Айниқса, Г.Раҳимова, Л.Фафурова каби изланувчан, меҳнатсевар ўқитувчиларимиз ўз фаолиятлари билан бу борада алоҳида ўрناк кўрсатишгаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, мураббийлар, устозлар қанчалик фаол, интилувчан бўлишса, замон талаблари даражасида ёш авлодга мукамал таълим-тарбия беришга интилишса, фарзандларимиз қалбларида маънавий-маданий етуклик, ватанпарварлик, изланувчанлик каби хислатлар ҳам шунчалик юксак, барқарор бўлиб бораверади. Бу борадаги жонкуярлик давлатимиз томонидан маориф, таълим-тарбия соҳалари бўйича амалга оширилаётган гамхўрликка муносиб жавоб сифатида баҳоланишга арзигуликдир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг хизмати катта. Бу тузилмалар сардор ва аъзоларини барча маҳаллаларда туну кун хизмат вазифасини бажарётган пайтда учратиш мумкин.

*Матнловлар*

## ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА ПОСБОНИ

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари иш фаолиятларининг янада самарали бўлиши, уларнинг ҳуқуқий бил-имларини ошириш ҳамда шу тузилмалар сардорлар ва посбонларни аниқлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида Шайхонтоҳур туманида бир қатор амалий тadbирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан: туман ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган тузилмалар, уларнинг сардорлари ва посбонлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси», «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардо-

ри» ва «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг посбони» кўрик-танловлари фикримизга мисол бўла олади. — Куни-кеча ўтказилган ушбу кўрик-танловнинг туман босқичида танлов ҳайъати аъзолари авлодга этилган хужжатлар, маҳалла посбонлари ва сардорларнинг маҳалла худудидаги тadbирларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган жиноятларнинг очилишидаги иштирокчлари ҳамда ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишдаги фаол хизматларини ўрганиб чиқдилар, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими қошидаги «Посбон» маркази радиоси Жуманазар Жонибеков. — Ушбу танлов барчада яхши таассурот қолдириб, ишда янада муваффақият-

лар қозонишга рағбатлантирди.

— Танлов шартларига тўла жавоб берган иштирокчилар ичида «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси» деб Ёқуб Зияев маҳалласи, «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори» деб «Каттабоб» маҳалласининг сардори Дилмурод Гадоимуродов ва «Энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг посбони» деб «Шодлик» маҳалласи посбони Йўлдош Раҳимов топилди. Шунингдек, танловда «Эшонгузар» маҳалласи 2-ўринга, «Каттаҳовуз» маҳалласи 3-ўринга, «Гулзор» маҳалласи сардори М.Ботиров 2-ўринга ва «Илғор» маҳалласи сардори А.Тўлаганов 3-ўринга сазовор деб топилдилар. Барча йўналишлар бўйича ғолибларга эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар топширилди.

Азиза  
МУҲАМЕДОВА

*Янги йил олдида*

**ДИЛЛАР КУВОНЧГА ТЎЛДИ**

Янги йилни барча — катта ёшдагилардан тортиб жажжи кичкин-тойларгача орзиқиб кутади. Афсонавий Қорбобо, Қорқиз, эртақ қахрамонларнинг даврага кириб келишининг ўзи кўнгилларга бир олам қувонч улашади.

Ҳар бир байрамни ўзгача рух, тайёргарлик билан кутиб олиб қатор тадбирлар иштирокчиси бўлиб келаётган «Камолот» ЁИХ томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди.

Яъни Янги йил арафасида «Камолот» сардори ва етакчилари «Камолот»дан тухфа!» лойиҳасини амалга ошириб, маҳаллалардаги имконияти чекланган, ногирон болажонларнинг уйларига Қорбобо ва Қорқиз билан ташриф буюриб уларни Янги йил билан муборакбод этмоқдалар.

Кунни кеча мана шундай тадбирларнинг бири Сергели туманида ҳам бўлиб ўтди.

— Туманимизда истиқомат қиладиган 66 нафар болажонларнинг ноҳадонларига эртақ қахрамонлари, Қорбобо ва Қорқиз иштирокида совға-саломлар билан кириб бордик, — дейди бу тўғрида туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчехра Усмонова. — Уларга соғлик - саломатлик, бахт ва омад тилаб, чиройли концерт кўйиб бердик. Севинчдан, Қорбобонинг совғасидан жуда хурсанд бўлган болажонларнинг ўзлари ҳам шёвр ва ашулалар айтишди.

«APLA» ногиронлар жамияти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир ўйлэймизки барчада яхши таассурот қолдириб, қалбларига озгина бўлсада ёруғлик, меҳр-муҳаббат ва ҳаётга интилиш уйғотган бўлса ажаб эмас.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

«Шарқ гули» МЧЖ аъзолари бошқарув раиси ёрдамчиси Шоира Собирова Аҳмадалиевага қизи

**ШАҲНОЗАХОННИНГ** вафоти муносабати билан чучур таъзия изхор этади.

«Шарқ гули» МЧЖ жамоаси корхона бош муҳандиси Шухрат Қозимович Умаровга онаси

**ЗАЙНАБ** аянинг вафоти муносабати билан чучур таъзия изхор этади.



**ҲАР ДОИМ «КАМОЛОТ» БИЛАН!**

Ҳар бир байрам болажонларимиз билан янада шуқуҳли. Уларнинг жажжи кўзларидоги беғуборлик, юзларидаги хурсандчиликдан барчанинг кўнгли шодликка тўлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан «Камолот»дан Янги йил лойиҳаси доирасида байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

Тумандаги 52-ёрдамчи мактабда Қорбобо ва Қорқиз ташриф буюрган

байрам «Ҳар доим «Камолот» билан!» деб номланди. Тадбирда Қорбобо ва Қорқиз либосида даврага кириб келишган «Камолот» етакчилари 175 нафар мактаб тарбияланувчиларига совғалар тарқатишди.

Туман сардорлар кенгаши аъзола-



ри ва етакчилари қатнашган ушбу байрам тадбири жажжи болажонларимизнинг куй-қўшқлари, ашула ва рақслари остида ўзгача шодиёна тус олди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу каби байрам тадбирлари тумандаги 103-мактаб-интернатда ҳамда 30-Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб ўтди.

**Мафтуна ЭСАНОВА СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ**

«Дунё шахматининг ёрқин намоёндаларидан бири Алёхин: «Шахмат—санъат ва гўзалликдир», деб ёзганди. Бинобарин, кўринишидан оддийгина бўлган шахмат доналарини ўз ўрнида ҳаракатлангари билиш кишидан жуда катта истеъдод, маала, юксак иродани талаб этади. Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ана шундай инсонлардан бири эди. Домла илим ва ижод майдонида ўз сўзига эга бўлиш баробарида республикамизнинг етуқ шахмат усталари билан дона суриб, ўзининг бу борадаги қизиқишларини, ютуқларини амалда намоён эта олганди.

Шу маънода Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали ректори соврини учун иккинчи мартаба ўтказилган турнир, атоқли фан ва жамоат арбоби хотирасига бағишланди.

Мазкур тадбирда Россия Федерацияси элчионаси вакиллари, О.Шарафиддиновнинг оила аъзолари, шоғирдлари, сафдошлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Айниқса, турнирда халқимизнинг суюкли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин

Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов, таниқли мунаққид Иброҳим Фағуровларнинг ташриф буюриши тадбирнинг янада файзли ўтишига хизмат қилди.

—Бугунги тадбиримиз ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради,—дейди ушбу академия филиали проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов биз билан суҳбатда.—Негаки, устоз Озод Шарафиддинов хотирасини бугунги турнир тимсолида яна бир бор эслаш, хотирлашни зиммамиздаги ин-

соний бурчимиз дейишга ҳақлимиз. Гарчи домла ўтган галги турниримизда фаол иштирок этиб, голибликни кўлга киритган бўлсаларда бугун у кишининг орамизда йўқлиги ҳаммамизнинг қалбимизни ларзага солади. Бироқ эзгуликка йўғрилган умрининг поёни бўлмабди, шу маънода бу инсоннинг ўчмас хотираси қалбимизда мангу яшайверади.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, хотира турнири қизгин баҳсларга бой тарзда кечди. Айниқса, Баҳодир Умрзоков, Олим Обидов, Шуқурхўжа Темуров, Хайрулло Мўминовларнинг маҳоратли ўйинлари йиғилганларда катта таассур қолдирди. Ниҳоят голиблар аниқланди. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов биринчи, таниқли ёзувчи Муҳаммад Носир иккинчи ва ниҳоят Аҳмад Гофуровлар учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Турнир голибларига қимматбаҳо совғалар ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Хумоюн АЛИЕВ**

«Dedeman silk road» меҳмонхонасида «Замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга» мавзуда медиафорум ўтказилди.

**ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС**

Мазкур форум Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташкил этилганлигининг икки йиллиги ҳамда Ўзбекистон нодавлат электрон ОАВни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялар телетармоқ (ЎзНТТ)ларининг бир йиллигига бағишланди. Форумда уларнинг қисқа давр мобайнидаги фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Мамлакатимизда хориж телеканалларини ҳуқуқий йўл билан тарқатишини таъминлаш мақсадида ассоциация таъсислигида «Ўзбекистон кабел системалари» корхонаси ташкил этилди. Бундан ташқари, Ассоциация, фонд ва ЎзНТТ ҳамкорлигида телерадиоиндустрия бозорини ривожлантириш, нодав-

лат ва техник ходимларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган муайян ишларни амалга оширди.

Шунингдек, анжуманда ассоциация ва Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми томонидан ташкил этилган ижтимоий роликлар танловига ақун асаланди. Телеускуналар мажмуасини олиш учун нодавлат телестанциялар ўртасида ўтказилган тендер голибларига рақамли телевидеотехникалар топширилди.

Анжуман давомида нодавлат радиоларни бирлаштирувчи Радиоқлуб ва ассоциация таркибида Ахборот маркази ташкил этилди. Мазкур ахборот маркази ассоциация аъзоларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради. У асосан электрон, босма, фото, теле ва аудио ахборот кўринишида бўлади.

«Туркистон-пресс»

*Мунажжиди бақорати*

**ҲОЖАТБОРОР ВА ҲИММАТЛИ БЎЛАЙЛИК**

30 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Бу галги жума эски ишларни ниҳоясига етказиш, йил ақунларини сарҳисоб қилиш, шу билан бирга уйлари кўтариб, саранжом қилиш ва кераксиз нарсалардан қутулиш учун жуда қулай ҳисобланади.

Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўладиган соат 04.12 дан 12.36 гача вақт ораллигида айниқса одамлар кўп тўпланадиган жойларда эхтиросларга берилиш намоён бўлиши мумкин. Бинобарин, шу соатларда оломон орасида бўлмаслиқка ҳаракат қилинг. Ҳар қандай ивго-фитналардан ўзингизни эҳтиёт қилганингиз маъқул.

Кўёш тақвими буйича бугун 15-кун бўлиб, шу кунни уйлари саранжом-саршихта қилиш фойдали. Лекин ўзингизни толиқтириб қўйишдан эҳтиёт бўлинг. Бугун ҳар қандай иш фақат хурсандчилик келтириши керак.

Бирон нарсани олиш ёки сотишдан ўзингизни тийинг: ҳар иккаласидан ҳам зарар қўришингиз эҳтимоли кучли. Техника, айниқса автомобил билан муомалада эҳтиёт бўлинг — мабодо машинангиз дарҳол ўт олмаса, тавakkал қилмай, яхшиши, сафардан воз кечинг. Барча мўҳим ўчрашувлар, жамоат билан уюштириладиган тадбирларни кеч соат 19 гача ўтказишга ҳаракат қилинг.

Кечкурун эса, жанжал-можаролардан нарироқ бўлиш, ҳар қанақанги келишимовчиликларга ара-

лашмаслик мақсадга мувофиқ. Янги танишувларнинг ҳам мавриди эмас, қарзга пул олиш ёки олган қарзингизни тўлашни ҳам бошқа вақтга қолдириш.

Калит ёки майда пулларнинг йўқолиши майда дилҳириликларга ишора бўлса, эшикнинг синиши сирлангангиз ошкор бўлишини билдирари.

Бу кеча кўп туш кўриш яхшиликка бўлади ва уларнинг аксарияти мулқка алоқадор бўлиши кутилади.

Бугунги кун овқатлардан заҳарланиш, ошқозон оргиқларидан азият чекишингиз билан фарқлашиб туради. Кўпроқ мева ва сабзавотлар, сутли маҳсулотлар, ширинликларни истеъмол қилинг. Ҳаммом буюқонасида бўлиш бугун сизга куч-қувват бағишлайди ва кўпгина хасталикларнинг олдини олади.

Башдан-оёқ янги кийиниш, узук, билақузук ва зеб-зийнатлар тақиб хайрли бўлади. Кийимлардан оқиш, олтинранглилари омадли бўлиши кутилади. Қоркўк ва айниқса, сиёҳранг либослардан ўзингизни олиб қочганингиз маъқул.

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ оғдет усулига босилади.  
2495 нусxada босилди. Қорго бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашириет етказиб бериш масалаларини буйича турар жойлардаги почта бўлимадаги ески «Тошкент почтамати»га — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наشريет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208.

1 2 3 4 6